

СПОРТНИНГ ИНСОН ҲАЁТИДАГИ ВА ИШДАГИ ЎРНИ

Содиқова Феруза Мухсимжон қизи.

Respublika sud-tibbiy ekspertiza ilmiy-amaliy markazi

Toshkent viloyat filiali тиббий-кriminalistika бўлими лаборанти.

Toshkent shahri, O‘zbekiston Respublikasi

email: toshvilsteb@mail.ru Tel.: 97 475-02-06

Аннотация: Спортнинг инсон ҳаётидаги ва меҳнат фаолиятидаги аҳамияти ёритилади. Спорт билан мунтазам шуғулланиш жисмоний саломатликни мустаҳкамлаш, руҳий барқарорликни таъминлаш ва меҳнат унумдорлигини оширишда муҳим омил ҳисобланади. Замонавий илмий тадқиқотлар спортнинг стресслик камайтириш, иммунитетни мустаҳкамлаш, касбий фаолиятда самарадорликни оширишдаги ўрнини исботлаб бермоқда. Шунингдек, мақолада спортнинг шахсий ҳаёт сифати ва касбий муваффақиятлар билан боғлиқлиги таҳлил қилинади.

Калит сўзлар: Спорт, соғлом турмуш тарзи, жисмоний фаоллик, меҳнат унумдорлиги, руҳий саломатлик, стресс, самарадорлик.

Бугунги глобаллашув даврида соғлом турмуш тарзини шакллантириш ва уни ҳаётий қадрият сифатида қарор топтириш долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Инсоннинг жисмоний ва руҳий саломатлиги кўп жиҳатдан унинг спорт билан мунтазам шуғулланишига боғлиқ. Спорт фақат жисмоний ривожланишни эмас, балки меҳнат фаолиятида юқори натижаларга эришишни, стрессга чидамлиликни ва ижтимоий фаолликни ҳам таъминлайди.

Ўзбекистон Республикасида ҳам спортни оммалаштириш, аҳолининг барча қатламларини спортга жалб этиш бўйича кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Бу жараён нафақат ёшлар, балки меҳнаткаш аҳолининг саломатлигини мустаҳкамлаш, касбий фаолиятда самарадорликни ошириш ва соғлом турмуш тарзини шакллантиришда муҳим ўрин тутади.

Долзарблиги: Спорт-инсоннинг жисмонан такомиллашуви, кишиларнинг жисмоний ёши саломатлигининг холати, жисмоний ривожланиш даражасига кўра чегараланади. Спорт инсоннинг жисмоний тайёргарлигини намойиш этади, спорт дўстона халқаро алоқаларни кенгайтиришга, халқларнинг ўзаро бир бирини тушуниши ва дўстлигини ривожланишига хизмат қиласи.

Мақсади: XIX-аср ўрталарида бир неча Фарб мамлақатлари ўрталарида профессионал спорт ривожлана бошлаган. Спорт турларининг 2 асосий гурҳи мавжуд.

- Миллий спорт турлари.

• Халқаро спорт турлари.

Хар бир халқнинг ўзига ҳос турмуш тарзи меҳнат фаолияти, ва дам олиш шароити асосида такомиллашган.

Халқаро спорт турлари- муайян шароитларда мусобақалар ўтказишнинг жамланмаларидан иборат бўлиб, бунда инсонлар ҳар томонлама етук, аклан соғлом, кўркам, жисмонан бақувват бўлишилиги билан намайён этадилар.

Республика суд тиббий экспертиза илмий-амалий маркази Тошкент вилоят филиалида эрта тонгдан ҳодимлар ўртасида соғлом турмуш тарзи бўйича эркин спорт турлари ўтказилади. Бунда ҳодимлар бадантарбия машғулотлар бажарадилар. Бу бадан тарбия натижасида ҳодимларинг кайфиятлари кўтаринки руҳда бўлади ҳамда ишга бўлган шижаатлари кўтарилади, яъни иш сифати ва натижаси бардавом бўлишилиги учун ҳизмат қиласди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022-йил 28-январдаги ПҚ-60-сонли Фармони билан тасдиқланган “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси” 67-мақсадида, Жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланадиган фуқароларнинг сонини ошириш белгиланганлиги ҳамда давлатимиз томонидан 2-босқич “Беш ташаббус олимпиадаси” доирасида филиал ҳодимлари ўртасида спорт мусобақаларини ўтказиши.

Тадбирда барча бўлимлар ва шаҳар, туман ва туманлараро суд-тиббий экспертиза бўлинмалар Суд-тиббий эксперталари, ўрта ва кичик тиббий ҳодимлар ўртасида спортнинг шахмат ва шашка тури бўйича мусобақа бўлиб ўтди. Ушбу мусобақа иштирокчилари ўзларининг имкониятларини намойиш этишга ҳаракат қилдилар. Беллашувлар гурух ва кейинчалик эса финал босқичига ғолиблар аниқланди.

Хунос

Мазкур спорт турларимиз ҳодимларнинг нуфузини ошириш билан бирга, миллий қадрятларимиз ва анъаналаримиз билан яқиндан танишиш имкониятини яратиб беради.

Шунинг учун ҳам мамлакатимизда спорт равнақига, халқимизни спорт оммавий тарзда кенг жалб этишга айниқса келажагимиз эгалари бўлган ёш авлодни етук ва комил инсон бўлиб, этишишларига катта эътибор қаратилмоқда. Зоро спорт инсон учун жуда муҳим аҳамиятга эгалигини англашимиз ва кунлик одат тусига киритишимиз зарур.

Фойдаланилган алабиетлар

1. Қодиров А. “Соғлом турмуш тарзи ва жисмоний фаолиятнинг аҳамияти”. – Тошкент: Фан, 2020.
2. Мамажонов Ш. “Спорт ва соғлик: назария ва амалиёт”. – Тошкент: Иқтисодиёт, 2021.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жисмоний тарбия ва спорт соҳасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори. – Тошкент, 2019.
4. Karimov, B. “Physical Education and Human Health”. – Tashkent: Med-Press, 2022.
5. World Health Organization (WHO). “Physical activity and health: evidence for action”. – Geneva, 2020.
6. Юсуфов X. “Спорт психологияси ва меҳнат унумдорлиги”. – Самарқанд: СамДУ нашриёти, 2022.